

А Ж Р И М

Жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди, 2024 йил 11 январь куни, очиқ суд мажлисида, ўз биносида, раислик этувчи, судья Э.Қаршиев, судья ёрдамчиси М.Икромовнинг котиблигида, томонлардан Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Рахимов, судланувчи З.Кушакова ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат С.Нуруллоев ҳамда жабрланувчи Ф.Рахматовнинг иштирокида, 1-1416-2402/7-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Кушакова Зарина Гафуровна (Kushakova Zarina) 1991 йил 21 июль куни Самарқанд шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Нуробод маҳалласи Андак қишлоғи, 19-уйда истиқомат қилувчи, 2024 йил 4 январь куни айблов далолатномаси нусхасини олган, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Кушакова Зарина Гафуровна 2023 йил 12 октябрь куни соат 19³⁰ларда 30 М 850 НА “Lacetti” русумли автомашинасини Ургут тумани Навоий-Шох кўчасининг Боғишамол-Мозортепа маҳалласи йўналиши бўйлаб бошқариб бориб, ҳаракат давомида ЙХҚнинг 11, 77-бандлари талабларига риоя қилмасдан йўлдан пиёда ҳаракатланиб ўтаётган Фарход Соhibович Рахматовни автомашинасининг олд ён қисми билан уриб юборган.

Суд тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 3 ноябрдаги 602-сонли хулосасига кўра фуқаро Ф.Рахматов ЙТХ натижасида “бурун устки соҳасида, бел соҳасида, чап ёнбош соҳасида чап болдир соҳасида шилинмалар, бошининг ўнг чакка соҳасида эзилиб йиртилган яралар, бошининг энса соҳаси, иккала кўз қовоқлари соҳаси, ўнг томондан кўкрак бўшлиғига қон қуйилиши, иккала чакка соҳаси юмшоқ тўқималарининг лат ейиши, бош миянинг ўрта даражали лат ейиши” каби тан жароҳатлари олганлиги аниқланиб, оғирлик даражасига кўра ўртача ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари деб баҳоланган.

Судланувчи З.Кушакованинг қилмиш жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиниб, жиноят иши мазмунан кўриб чиқишлик учун



судга берилган.

Мазкур жиноят иши суд мажлисида кўрилиши давомида судланувчи З.Кушакова қилмиш жиноий ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 12 октябрь куни "Lacetti" русумли автомашинасида жабрланувчи Ф.Рахматовни уриб юборганлиги, ҳозирда жабрланувчи Ф.Рахматовдан кечирим сўраб, дори дармонларига қарашиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб, суд тергови даврида ўзаро ярашиб олишганлигини кўрсатиб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлиси давомида жабрланувчи Ф.Рахматов ҳақиқатдан ҳам З.Кушакованинг автомашинасида уни уриб юборганлиги, дори-дармонларига қарашиб, суд тергови даврида етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги сабабли, унга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, соғлиги тикланганлиги, ўзаро ярашув ҳақидаги аризани ўз ихтиёри билан ёзиб берганлиги, суд томонидан унга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддаси 5-қисми талаблари тўлиқ тушунтирилганлигини кўрсатиб, З.Кушаковага нисбатан жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд, жиноят иши юзасидан прокурор ёрдамчиси ва адвокатнинг судланувчи З.Кушаковага нисбатан жиноят ишини ярашув муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини тинглаб, З.Кушакованинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи Ф.Рахматовнинг З.Кушаковага нисбатан даъвоси йўқ бўлиб, судда ўзаро ярашув ҳақида ўз ихтиёри билан ариза ёзиб берганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 66¹-моддаси талабига риоя қилган ҳолда З.Кушаковани жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унга оид жиноят ишини тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 582, 583, 585, 586-моддаларига асосан, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 266-моддаси 1-қисми билан айбланган **Кушакова Зарина Гафуровна** (Kushakova Zarina)га оид жиноят иши тарафлар ярашуви муносабати билан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач З.Кушаковага нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Ф.Рахматовга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги эътироф этилсин.

Ажримдан норози томон 10 сутка муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий тартибда протест ёки шикоят келтиришга ҳақлидирлар.



Ислик этувчи:

(имзо)

Э.Қаршиев

схаси аслига тўғри- судья: